

Етти киши борки, Аллоҳ Ўз соясидан бошқа соя бўлмаган Кунда

09:05 / 29.06.2018 4299

Яна у кишидан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Етти киши борки, Аллоҳ Ўз соясидан бошқа соя бўлмаган Кунда уларни Ўз соясига олади: одил имом; Аллоҳ таолонинг ибодатида униб-ўсган йигит; қалби масжидларга боғлиқ киши; Аллоҳ йўлида бир-бирини яхши кўриб, шу асосда бирлашган ва шу ҳолатда ажралишган икки киши; нуфузли ва ҳусндор гўзал аёл (зинога) чорлаганида: «Мен Аллоҳдан қўрқаман», деган киши; ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган даражада махфий садақа қилган киши; Аллоҳни ёлғиз эслаб, кўз ёши тўккан киши», дедилар.

Муттафақун алайҳ.